


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60712500 – Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолитини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 7 -сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 -сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши Малака талабларининг қўлланиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи	9

1. 60712500 – Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60712500 – Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил, сиртки таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 5 йилни ташкил қилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60712500 – Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60712500 – Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60712500- Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у темир йўл транспорти воситаларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг самарали жараёнларини ҳамда уларга инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган методлар ва воситалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60712500-Транспорт воситалари муҳандислиги (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– темир йўл транспорти, уларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш, техник сервис кўрсатиш, таъмирлаш соҳасида муҳандислик ҳисоблар, моделлаштириш, алгоритмлар ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

– илмий-тадқиқот жараёнлари;

– темир йўл транспорти соҳасида ишловчи ходимларни бошқариш, технологик жиҳозлар ва уларнинг эксплуатацияси, ахборот таъминот тизимлари ва воситалари, вагонларнинг иш қобилиятини тиклаш ҳамда уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари;

– темир йўл транспорти тармоқ корхоналарининг технологик жараёнлари;

– ташкилот ва корхоналарда замонвий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш.

60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

– илмий-тадқиқот;

– лойиҳавий-конструкторлик;

– эксплуатация ва сервис хизматини кўрсатиш;

– ишлаб чиқариш;

– ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

– темир йўл транспортдан фойдаланиш ишларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларни, тизимларини, жараёнларини, жиҳозлар ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

– темир йўл транспорти эксплуатациясини тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни қўллаш олиш;

– темир йўл транспорти эксплуатацияси соҳасидаги хорижий ва махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

– илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– замонвий мавзулар (топшириқлар) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

– темир йўл транспорти воситалари ва технологик жиҳозларнинг қисмлари, деталлари ва йиғма бирикмаларининг лойиҳасини тизимли ёндашув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

– темир йўл транспорти соҳасида тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қила олиш;

– темир йўл транспортдан фойдаланиш жараёнида лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– темир йўл транспорти воситалари ва технологик жихозларни ишчи қисмлари параметрлари ва ишлаш қобилиятини замонавий ҳамда хорижий усуллар билан диагностикалаш, синовларни ўтказиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш;

– темир йўл транспорти воситаларини ишлаб чиқариш ва қайта тиклаш технологияларидан фойдалана билиш;

– транспорт воситалари ва технологик жихозларнинг тузилиши, технологик иш жараёнлари, сошлаш технологиялари, ишга тайёрлаш ва улардан фойдалана олиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Эксплуатация ва сервис хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– темир йўл транспорти воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жихозлардан фойдаланиш, уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

– темир йўл транспорти воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жихозларига техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича замонавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– темир йўл транспорти воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жихозларни синаш, диагностикалаш ва камчиликларни бартараф эта билиш;

– жаҳон тажрибалари асосида темир йўл транспорти эксплуатацияси технологик ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдалана билиш;

– темир йўл транспорти эксплуатацияси жараёнида ишлатиладиган замонавий асбоб, ускуна, жихозларни билиш ва уларни амалда қўллай олиш;

– темир йўл транспорти воситаларига техник сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш иш сифати кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш, хулосалар шакллантириш қобилиятларига эга бўлиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

– темир йўл транспорти эксплуатацияси бўйича рационал технология ва технологик жихозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш; темир йўл транспорти воситаси ишчи қисмлари ва деталларини лойиҳалаштириш ва конструкциясини ишлаш; уларни йиғиш, сошлаш, ростлаш ишларини режалаштириш ва бажаришни ташкиллаштиришни ҳамда чет эл дастурлари билан фойдаланиб компьютерда лойиҳалашни билиш;

– намунавий техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– темир йўл транспорти корхоналари ишини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- темир йўл транспорти воситалари ва технологик жиҳозларга техник сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси, техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

2. 60712500 - Транспорт воситалари муҳандислиги (вагонлар) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосида касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;
- темир йўл транспортидан фойдаланишни ташкил этиш, уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича рационал технология ва технологик жиҳозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- темир йўл транспорти корхоналари фаолиятини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усуллари танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, ер усти транспорт тизимлари, темир йўл транспортининг ўрни ва аҳамияти, технология, ишлаб чиқариш, темир йўл транспорти, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, ҳаракат таркиби ва унинг тузилиши, вагонларни таъмирлаш, вагонлар диагностикаси, тележка, юк ва йўловчи вагонлари, ғилдирак жуфтлиги, иссиқлик техникаси, электротехника, ишлаб чиқариш жараёнлари, темир йўл транспортида техник фойдаланиш қоидалари, автоматлаштириш, механизациялаш, транспорт, машинасозлик, технология, ҳаракат хавфсизлиги, тормоз тизимлари, ташкил қилиш, режалаштириш, техник диагностика, электр жиҳозлар, автоматлаштирилган тизимлар, ички ёнув двигателлари, темир йўл иқтисодиёти, вагонларнинг тузилиши, лойиҳалаштириш, таъмирлаш технологияси, техник хизмат кўрсатиш, совутиш тизимлари.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202__ йил «__» _____
М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари


 А.Муминов



202__ йил «__» _____
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
информация технологиялари татбиқ этиш
маркази

Директор в.б.

 М.Эсонов



202__ йил «__» _____
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма
бошлиғи


 А. Хамролиев



202__ йил «__» _____
М.Ў.

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор

 С.Турабджанов



202__ йил «__» _____

М.Ў.